

ШАҲЛО ШУКРУЛЛО ҚИЗИ

**МЕХР
ЭЛЧИСИ**

Шеърлар

Ташкент
«Язги аср авлоди»
2005

84(55)6-5

Истебоддла ёш изходкор Шаҳло Шукрулло қизи мазкур шеърлар тўпламини «Меҳр злчиси» дебномидаб, Сиз азиз китобхонларга тақдим этадтир.

Ватан, меҳр-муҳаббат, бегубор болалик маузуларнда битилган шеърий машқлар ўзининг самимияти билан диққатни жалб этади. Мисраларга жо этилган туйгулар ҳароратининг тафти кўнгилга хуш сезилади.

Мазкур мўъжазгина китобча хонадонингизга меҳр злчиси бўлиб кириб боришига умид қиласиз.

10³¹²⁸¹
091

| | |
|--------------|--|
| 2005 2009 | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M. |
|--------------|--|

10

ISBN 5-633-01698-X

© Шаҳло Шукрулло қизи. «Меҳр злчиси».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

«САБОТИЛА ЕТГАЙ ЭЗГУ ТИЛАККА...»

Ногаҳон юракка чүг тушди. Томирларда оққан қон пүртана бўлди. Сезгилар уйгонди, туйгулар тошиди. Руҳ вузудга сизмайди бу чоғ. Ифода истаги, изҳор эҳтиёжи содир бўлади. «Айтмасам, ёрилиб кетаман» деганларига ўхшайди бу ҳолат. Шеър шундай дунёга келади.

*Эркалагинг келар бағрингга босиб,
Гўдакларниң жаражэси қўлчаларини
Англамоқлик баҳти айласин насиб,
Мусаффо наҳорниң тилчаларини.*

Бу тўрткўлилар ёш қаламкаш Шаҳло Шукрулло қизининг сатрлариидир. Унинг «Меҳр элчиси» деб номланган шеърлар дафтарини ўқиганамда, даставал хаёлимдан шундай таассурот кечди.

Шаҳло 2003 йилнинг август ойида Қорақалпогистон республикаси Элликқалъа туманида бўлиб ўтган Оролбўйи ёш ижодкорларининг «Ақчакўл илҳомлари» семинар-кенгашида қатнашиб, совринли ўринлардан бирини эгаллади. Унга яхши ният билан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг тўрт жилдлик асарлари сайланмасини ҳадя этгандик. Мана, орадан кўп ўтмай ижодкор қизимиз ўзининг янги шеърлар тўпламини Тошкентга олиб келди.

Кўлёзма билан атрофлича танишдик. Дунёга назари теранлашибди, ташбеклари, ўхшатишлари оддийгида бўлса ҳам, пардоzlанибди.

«Мен қаламнинг юраги бўлай», «Сўз билан йўлим нурли, қуёшга яқин бошим», «Юсуф нигоҳлар юракка ўт қўяди», «Йиларимни гўзал қилиб яшайман», «Ўз-ўзимони енггишим учун, Дое тушган хотира ишмайин», «Нурдан оқ гул изладим» каби мисралар Шаҳло сўзининг рангларини ҳис этишини англатади. Сўзининг ўз маъносидан бошқа кўчма маъноларини излаш сўз санъатининг зарурий шартларидан биридир. Бу ифода қувватини яширади, фикрни таъсирчан этади.

Шеъриятнинг ҳам минг бир усули бор. Буларни ўрганиб олиш осон эмас. Мен Шаҳло Шукрулло қизига мана шу машаққатни йўлда событикни тилайман. Зотан, унинг ўзи ёзганидек,

*Уқдим доноларнинг битганин,
Сабот ила етгай эзгу тилакка.*

Рустам МУСУРМОН

ЎЗБЕКИСТОН

Қизлар шижаати қалбни уйғоттай,
Эзгуликка муштоқ муродга етгай,
Ватанимда мудом оқ тонглар отгай,
Мұҳаббатнинг азиз макони – Ватан!

Осмоним мусаффо, замон тинч-омон,
Танти бободеңқон ҳосили хирмон,
Дунёга мезбон элим яшар фаровон,
Мәхрнинг муқаддас манзили – Ватан!

ВАТАН, СЕНГА...

Фурур, ботиний гүзәллик Ватан улуғларида,
Миллат мавқеин кўринг Ўзбекнинг ўғлонида.
Мен куттган ҳаво бўлди Ватаним боғларида,
Ибо бежирим лиbos ўзбек қизу жувонида.

Бағринг ишқингда тўлғонгувчи сўнмас ёғду,
Ватан, сенга нурли меҳрим малҳаму мадор бўлгай!
Олис уфқ ёнган — алвон ёноғи, кўзи оҳу,
Ватанга муҳаббатим ҳосиятли баҳор бўлгай!

ТИЛАК

Ўткинчи ҳисларга ўйинчоқ эмас,
Ҳаётнинг ҳақиқий дилбари бўлай.
Нигоҳлар қадалган қўғирчоқ эмас,
Меҳри дарё қалбнинг сарвари бўлай.

Ўзбек миллийлиги – гўзал бир олам,
Халқимнинг ҳар доим кераги бўлай.
Эл-юртни мадҳ этсия ҳамиша қалам,
Мен ўша қаламнинг юраги бўлай.

МЕҲР ЭЛЧИСИ...

(Munawvara onamga)

Нурли нигоҳ қаршисида ожиз меҳр ҳам бардам,
Узун мужгонимга субҳидам тушгандада шабнам,
Гул-лолами қучгандада илк баҳорий хуш насим,
Муҳаббатнинг манзилига бошлайди дилбар

санам.

Сиз меҳр элчисисиз, сиз меҳрибон дилдошим,
Орзум сари кетяпман, собит эрур бардошим.
Ҳилм ахлоқ устозимнинг қалб қасри мўъжазгина,
Сўз билан йўлим нурли, қуёшга яқин бошим.

ҚАЛБИМНИНГ БЕЗАГИ...

Юсуф нигоҳлар юракка ўт қўяди,
Оташ давралар севинч солиб сужди,
Андуҳлар қалб ўтида қолиб куяди,
Дилим гўзал орзуларга тўлган чоғ.

Гулҳаёт саҳналари бунча ярқироқ,
Кўзлар қамашмаслик-чун ҳаёдир маёқ,
Тегмайди шўх йигитлар ташлаган илмоқ,
Қалбим буюк орзулардан безанган чоғ.

Йўлларимга кириб кетар деб ўйлама,
Жаранглари ўткир қўшиқ куйлама,
Жим, жим! Мен тўғримда ҳеч-ҳеч сўйлама,
Юрак нурли орзуларга чулғанган чоғ.

Бахти келажак учун оқ йўл очилсин,
Орзуларим ушалсин – олам ёришсин,
Гулларнинг баргларидан ифор сочилсин,
Тароватли кўнгилда боғ яшнаган чоғ.

ХОЛАТ

Мен бугун йиғлагим келяпти,
Хұнграбмас, инграбмас, жимгина.
Таъмалар қалбга санчилган нина,
Мен жуда йиғлагим келяпти.

Осмонлардан түшдими сўроқ,
Орзуим тубидан ўражак ўроқ.
Ё севинч, ё ғам-ғусса змас,
Беўрин ўйингдан бэздим, бас!

Умрим баҳоридан айирмагин,
Ўйларимга ин қурмагин, ин !

Мен жуда йиғлагим келяпти...

КҮЗЛАРИМДА...

Ўзим унуган сирим бордек боқасан,
Шижоатдан юрагимга ўт ёқасан,
Қулогимда дарёдек жўшиб оқасан,
Қўрқаман, кўзларимда аксинг қолар деб.

Лаҳзаларинг сири кўзимда ёнсин,
Бедорман, ишқ куйин чалмоқда фалак.
Оддий қилиб айтма, қўшиғинг айтсин,
Ҳайратдан жимирлаб тингласин юрак.

САБО ХАБАРИ

Азизимнинг муаттар ҳидлари бор,
Нозик жуссалардан тарапар ифор,
Такрорланмас рухсорин нозиклиги,
Гулларсиз келса, ёлғон менга баҳор.

Эҳтирос уйғонар хушрўй бўйидан,
Чорлайди, муҳаббат кетмас ўйидан,
Мафтункор маҳбубнинг ажиб бир тафти,
Насим, наво келди сирли кўйидан...

ЖИДДИЙЛИКДАН ДАРС...

Шунчаки ҳайриҳоҳим излайди,
Ажаб... асир қилишни кўзлайди,
Ногоҳ нигоҳимни бот-бот ўқиб,
У ўжар кўз юракка сўзлайди.

Ошуфта қалблар атрофда гирён,
Содда дил истаган сукут бир ён,
Түғёни жиддийликдан берар дарс,
Магрур дил кўзларидағи исён.

САЖДА

*Йўқ таъма, озори унинг,
Койишлари-дори унинг,
Бу дунёда бори унинг,
Тенгги ўйқ бахтга ўхшайди.*

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Мудом кўзларимда қалқан пайт севинч,
Кўзидан кўзимга ўтганда ўқинч,
Мен фақат, Ўзингга қиласман ўтинч,
Меҳрибон онамни ўкситма, Оллоҳ!

Ҳеч кимларга хор қилдирмаган онам,
Ҳеч нарсага зор ҳам қилмаган онам,
Ҳеч кимлардан кам ҳам қилмаган онам,
Меҳрибон онамни ўкситма, Оллоҳ!

Билакларига мен бўлайнин қувват,
Нигоҳига мунг из солган уқубат,
Менинг муҳаббатим асрраган иффат,
Меҳрибон онамни ўкситма, Оллоҳ!

Баҳорларим нурланаётган қуёш,
Меҳнатта чиниқтираётган бардош,
Умрига сўрайман камида юз ёш,
Меҳрибон онамни ўкситма, Оллоҳ!

Йилларимни гўзал қилиб яшайман,
Гоҳ йиглаб – гоҳ кулиб, ёниб яшайман,
Онамнинг соғинчин билиб яшайман,
Мушфиқам чирогин сўндирма, Оллоҳ !

ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ

Хоразмнинг лазгиси сарви навоси,
Жўшқин давраларнинг қувноқ садоси,
Лазгига тушса, Хоразм раққосаси,
Тан бериб бўларсиз масрур адоси.

Хонларни лол қилган шўх садодир бу,
Қалбларга чўғ солган шаддодидир бу,
Сирли гулзор узра илқом келгандай,
Рақсра айланган шаббодадир бу.

УЙГОНГИЛ, ДИЛДОР!

Исмия шивирлайди титраганча юрак,
Исмин чақирганда пинҳоний бир тилак,
Тинаётган тўлқин тўлғонади кўксимда,
Фироқдан унсиз оҳ тортади жонсарак.

Тўрткўлимнинг тўрт фасли ҳам, бу йил баҳор,
Ўн саккизга бир қадам... уйғонгил, дилдор!
Орзиқиш оғушида энтикар юрак,
Умри боқий муҳаббат кўнгилга оҳор...

ИЛТИЖО

Юракдан англаган йўлдошим бўлгай,
Жиддийликни олган бардошим бўлгай,
Хилватдаям ёпиқ сирдошим бўлгай,
Ҳиссига эрк берган Дўстдан асрагин!

Бўлтай шўх, ўзгага жиддий султоним,
Номардликка йўл қўймас сарбоним,
Тақдир жим забт этса-да сирли оним,
...Ҳиссига қул бўлган Дўстдан асрагин!

Бахт тулпори жиловин тутқизсаям,
Тахт онларин фусункор ўтказсаям,
У номардлик йўлида ютқизсаям,
Мени соф вафода Ўзинг асрагин !

ИККИ ДИЛ СУҲБАТИ...

Умрнинг мазмун завқи топилгандек илк бора,
Икки дил суҳбати руҳлантириди пинҳона:
— Холис курашларга бел боғланг мардона, лек
Гар очилса ора, деманглар «қалбим пора».

САБОТ ИЛА

Зарбимни жимитиб қўяман,
Афсус чекмайин дея кейин.
Ўз-ўзимни сиғишим учун
Доғ тушган хотира йигмайин.

Борганимда нурли манзилга,
Ёритай янада чароғон.
Қароргоҳим ям-яшил ўлка,
Ўз гаштини сурса беармон.

Яхшиликка йўйдим кетганин,
Сабр солай деб орзули юракка.
Үқдим доноларнинг биттанин,
Сабот ила етгай эзгу тилакка.

ҮРГАНИШ

Сийрати бўлди аён суратсиз дийдоридан,
Дардига эм, даводир «гул ифори» доридан,
Уволи тутар дея, қўрқмайди у норидан,
Ҳойнаҳой, у фуңчалар ноз қилди озоридан.

Сайёҳларга жой муздай муҳаббати кўшкига,
Лол эмасман энди, завқ гуркираган аркига,
Учади деб ўйлади ёлғонгина рашкига,
Ишонмайман оташин лаҳзалари ишқига.
Таассуф !!!

СИРЛИ СУКУНАТ

Ҳижрон ранг сурати изим босганда,
Кўнгил дардин кўзларимга осганда,
Гоҳо олдга ўтиб, йўлим тўсганда,
Эй, сирли сукунат, сени ўйлайман.

Ногаёнда узоқлардан кузатасан,
Ўтган вақтни ўзимда ҳам синатасан,
Гулларни хаёлда меҳр-ла узатасан,
Таманно сукунат, сени кутаман...

УЛУГЛИККА УСТУН...

Камтаргина, күнгли бамисли осмон,
Машақұатлари-чи, тараққиётта сарбон,
Фарзанд камоли учун мәхри жақон,
Соф бўлинг, билим берган мураббийлар.

Мәхр эди, маржондек милтираган ёш,
Қаҳр ҳам мәхр асли зўриққанда бардош,
Нодонликдан отдиларми кўксингизга тош,
Суюклика сарбон илк ўқитувчим.

Иқболимиз тилагингиз қилгай порлоқ,
Бахтимиз кўргайсиз олиб мароқ,
Зиё сочган, дилни ёритган чироқ,
Улугликка устун азиз устозларим.

МЕҲР ТЎЛА МАКТУБ...

Ёшлик бағридаги завқли гулзор деб,
Гўзал хаёлларим боғларга кирди.
Ёғду сочган дам – лаззати озордай,
Юрагимга ботиб тўлқинлар урди.

Мәхр тўла мақтуб бермоқда иштиёқ,
Дўстлар-ла ўтган кун гўзал хотирот.
Дилдаги соғинчим бир хатга муштоқ,
Бу соғинич бўлгай дўст хатига қанот.

ХОЛАТЛАР

Азоблар бўлганда руҳимни сойиб,
Йигидан тинган ёлғиз гўдакдайман.
Мусаффо оромнинг нафаси майин,
Осуда бедорлик оғушидаман.

* * *

Савлатим булут ортида, худди, қуёшдай,
Нурлар тўколмаяпман меҳр дарёларимга.
Тирқираб жўшиб оққан қувонч кўз ёшидай,
Оҳиста шивирлар ёмғир дунёларимга.

ТАФИН ҚАДАҲ

Ишқда сармаст бўлган сайроқи зоф у,
Гўзал ҳаётнинг хуш наво боғи у,
Шодон кулгулари мисоли оғу,
Лекин бир боқолмайман хавф тоғи у.

Лоқайд тутиб ўзни ёлқин ташладим,
Чиндан ёнганда лабимни тишладим,
Овунай деб нурдан оқ гул изладим,
У гўзал меҳр сароблигин тушундим.

У юрак бўлиб уради қаҳ-қаҳ,
Ўзи «масту» тағин сўрайди «қадаҳ!»

РОЗИ БҮЛАР

Йўқ, бу ёлвориш змас,
Ахир, тушун ҳурматдир асли.
... Ёзилганилар ҳаммадан яқин,
Барибир оқдир ўзин насли.


Аэзизим, сен йиглама бунга,
Йиглама, бахти бордай кулгин.
Рози бўлар, сажда қил унга,
Дуо олайлик ҳар кун – ҳар кун.

СИНГЛИМНИ СОФИНИБ

Мужгонимга дардлар осаман,
Айрилиғинг згар бошимни.
Севинчнинг йўлларин тўсаман,
Кўтаролмай қайғу топини.

Хаёлисиз ҳеч битмайди сукут,
Жигарингиз парчадир сукут,
Эсласанг, ҳеч ёди бўлмайди унут,
Сабоҳатим, тирил бир минут!

Эсимда туғилган куни у йўқ,
«Кимдир» эсламади, қалбга тегди ўқ,
Кўнглимни ўзингдан қилгандинг-ку тўқ,
Сингильжон, соғиндим тушимга кир...



ҮТЛИ ҲАВАС...

*Х.Худойбердиеванинг
«Танланган асарлар»ини ўқиб*

Ҳайрати қалбда қайнар,
Руҳи куч, илҳом бериб.
Маъноларни сатр қайрар,
Қоғозда қаддини кериб.
Бир кучли ихлос билан,
Ташлаганим тоб илк нигоҳ
Шу ўтли ҳавас билан,
Бўлдим зўр шеърдан огоҳ...

СИЗНИ КЎРСАМ...

Сизни кўрсам ўзимни нега,
Вазмин, дадил тутиб оламан.
Оҳ, ортингиздан секин-аста,
Қараб оловланиб қоламан.

Сизни асли хуш соғинаман,
Лек бу туйғуни мудом боплаб,
Ибо ипига боғланаман,
Ҳисларимни ичимга қоплаб.

ЮРАГИМГА БОТИБ КЕТГУНИНГЧА...

Синглими хотирлаб

Опажоним соғиндим дәб,
Хүзуримга елибсан.
Түрткүлга жуда талпиниб,
Сафардан тәзроқ келибсан.

Ичингда бу не ғалаён,
Сездингми ё, сингилжон
Азизларинг бўлур гирён,
Билдингми ё, сингилжон.

Ҳайрон қолдим ёногимдан,
Тўйиб-тўйиб ўпишишта...
Қор ёғса ҳам қабогимдан,
Кучоғимга чопишишга.

Умримга етгудай тўйиб,
Ўполмадим, сингилжон!
Кўксимга ботиб кетгунингча,
Қучолмадим, сингилжон!

Қийноқда жон!
Қийноқда жон!

МАКТАБИМ

Эссиэ имконларим, кеттән бебошлиқ,
Эркаликлари ортида қолган ёшлиқ,
Күзлар очилғанда мисоли мөшдек,
Мактабим, бағрингта қайтгим келади.

Довонда маشاққат босиб келғанда,
Қалбим айвонида насим елғанда,
Кечә андуң илағамга тұлғаңда,
Мактабим, бағрингта қайтгим келади.

Түш здими, қүшдай сиғил учардик,
Кулгуларни ҳар қадамда қучардик,
Табассум-ла завқ шаробин ичардик,
Мактабим, бағрингта қайтгим келади.

Бойлигим дилимдан ололмагай юлиб,
Мени мот қилишга тошни шаҳд суріб,
Орзум, ушалған күн күзларим кулиб,
Мактабим, бағрингта бахтли бораман.

РАНГСИЗ КҮЗ ЁШЛАРИМ...

*«Камалак» болалар ташкилотының
III аңжумани таассуроти*

Билмам қанча яшадим мен ўзга оламда,
Келажакдаги соғинчни ҳис қилиб мудом.
Бўстонлиқ тоғларида мас Қофда бизлар,
Бирлашган истеъдод бўлгай бир гуруҳ ашроф.

Дув-дув ёмғир қуиди эсингдами, у оқшом,
«Семурғ» дўсти — осойиш сайрап булбуллар.
Шаддод қизлар мисли тоғдаги бодом,
Мушоирада очилди қимтинган гуллар.

Бебошлиқдаги хосиятли хотира,
Азиз дўстларимдан баҳор кезлари
Кутиб яшайман энди соғинчли салом,
Ҳаёт гўзаллигин, наҳор сўзларин.

«Семурғ»дан кўнгил узолмай кетаётиб,
Дўстларим, шиҳоат қаддин букманг-а!?
Хайрлашувда дил сўзларим айттаётиб,
Ёғибди рангсиз кўз ёшларим кўксимга.

ҲАЁТНИНГ БҮЮК ОШИФИ

Эркалагинг келар бағрингга босиб,
Гүдакларнинг жажжи қўлчаларини.
Англамоқлик бахти айласин насиб,
Мусаффо наҳорнинг тилчаларини.

Гўдак-оҳорий сатр – жисмнинг шеъри,
Бегубор, бебаҳо – бебош мавсумим.
Эзгуликка буркансин улар шуури,
Меҳрни асрамоқ учун масъулмиз.

Болалар борлиқнинг юракчалари,
Кулгулар жаранги умр қўшиғи.
Орзуларга кўчар тилакчалари,
Жужуқлар, ҳаётнинг бүюк ошиғи!

* * *

Сўлим юрак осто нангга келдим,
Сомон йўлларига бўлай деб яқин.
Туйғулар қўлидан ушлади қалбим,
Қуёшга етишиб олажакмиз тин.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Мұқадdas тумордаги мөх,
Үйғоқлар хуморидаги оҳ,
Биласиз, севмаслик бу — гуноҳ,
Тавоф айланг она изларин.

* * *

Онам күзларимда кулган офтоб,
Түнларимни ёруғ қылған мөхтоб,
Мұхаббат изҳор қылмоқ савоб,
Онам дилин англасам, Оллоҳ!

* * *

Юксалмоқ учун елкалар керак,
Демак елкалар – зиналар демак,
Зиналарга күксим билан чиқаман,
Мени қучсин деб орзу ва тилак.

* * *

Хәёлларга чўмиб - чўмиб ухлайман,
Хәёлларим давом этар тушимда.
Ён, юрак! Осмоннинг чўғин пуфлайман,
Юлдузлар жараглар куй-қўшиғимда.

* * *

Оллоҳ муҳрлагай пешонангга баҳт,
Баҳш этиб кенг уфқдек нурафшон меҳр.
Ёдгор, насиб қылгай саодатли таҳт,
Умринг узоқ бўлсин, ҳаётинг порлоқ.

* * *

Түлғониш чўққиларин кўрмаган эканман,
У чирмашди деб жонга, билмаган эканман,
Вақт ёруғлик элтиб, тонг оттириди руҳимда,
Ўтда ёндин, куймаган, ўлмаган эканман.

* * *

Эрк қанотида завққа қўндим,
Гулзорда кезган капалаклардай.
Чин камолот ишқида ёндин,
Оллоҳдан сўралган тилакдай.

* * *

Ожизман деб ўйлама асло,
Онгнинг мутлоқ султони инсон.
Рўзгор файздан эмасдир жуда,
То саришта сулув бор, инон.

* * *

Кўнглимга кирганда дўстларнинг меҳри,
Мени олиб кетди бир жўшқин тўлқин.
Аста қамраганда қутлуг он сеҳри,
Кўзларимни юрак деди, у сескин!

* * *

Ёмғир томчиси тошларни ўяр,
Қорнинг сукути тилимга ботар,
Фақат сени танҳо соғингандা.
Синглим, айрилиқ армонга қўяр.

* * *

Вужудим мажолсиз руҳим судрайди,
Хаёл кўпригида қабрингга бордим.
Сукунат сен бўлиб фикрим ўрайди,
Айтгин, сингшоним, нега жимсан, жим.

ҚАТРАЛАР

ЮРАҚДАГИ ГАПЛАР ...

Ёруғ кунлардай кўнгли очиғим, сизнинг азизингиз истаган гул шу даража нозикки, кулгуларини чуқурроқ нафас олиб ўчириб қўйсангиз, сувсирагандай сўлиб қолади. У ўзини-ўзи ўрганмаган, содда, хушсухан, жилмаювчан, ҳар дам - ҳар дам мастона шўхликлари тутиб турадиган ҳамда қўнғироқдек кулгулари ҳуд-беҳуд жаранглаб, гоҳ ҳафсалани бузиб, гоҳ хушнуд қилиб юрадиган мулойимгина...

У гул Сизнинг меҳрингиздан эриб, қаҳрингиздан музлаб қолади. Унга фақатгина ошкорлик ва пинҳонлик ўртасидаги муҳаббатингиз даркор.

Гулингиз қарори қатъийдек туюлган рақибини кўргач, рапки қўрқувга айланди. Гулгун чеҳраси маъюслашиб, кўзларидаги баҳтиёрлик сўнгандай туюлди. Шодон кулгулари тинган, овозида эса гўё баргларнинг сукунатда чирт этиб узилгани саснинг ғамгинлиги бордек эди. Худди ям-яшил чинордек умидига сал-сариқ олтин куз ўз ҳукмини ўтказгандек.

Кўкси пардек юмшоқ гулнинг хавотири беўрин, у бу ҳолатга тушиши тушунмовчилик. У янглишяпти.

Нигоҳи сирли рақибини тақдири унинг «юраги» учун хавфлимас, ахир. У хавфсираган гулнинг ўзи слов исканжали бургутнинг чангалида.

СҮНДИРИЛГАН ИХЛОС

Сизларда ўлган истак менда тирилиб юриди. Ҳаргиз ўзим сизлардан йироқда бўлсам ҳам.

Сизларнинг вазифангизга бўлган садоқатингизни, меҳру муҳаббатингизни, буни изҳор қилишдаги фидойи меҳнатингиз ҳамда журъат, ғайрат ва шикоатингизнинг қутлуғ қадамларини бир-бирига пинҳоний боғланган ҳалқалардан тузилган занжирнинг зарби олдга юрмасдек қилиб ботқоқча ботириб юборди.

Занжирнинг зарби тегмасидан олдин ташланиб улгурилган бир неча қадамлардан эзгулик йўлидаги гўзаллик яратилган эди. Шу боис мухтасар муддатда ажойиб дастур маҳлиёлари сафи кундан-кунга ортиб борарди. Шу кетишда давом этганда эди...

Лекин афсус илоннинг ёғини ялаган шайтон заҳрини сочиб ихлосни сўндириди, қутлуғ қадамларга заҳри бигиздай санчилди.

* * *

Ў-ҳў, ҳали ўзинг фунчадай бўла туриб, ҳаётнинг ўткинчи синовларидан бунча нолийсан. Жуссангдай нозик руҳий манзараларингни акс этдирадиган гулнинг табиати шохидатиканлар ўса бошлабди. Биласанми, бу менинг кўзимга ботяпти, бу менинг руҳимга ботяпти...

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Рустам Мусурмон. «Сабот ила етгай эзгу тилакка» | 3 |
| Узбекистон | 5 |
| Ватан, сенга | 5 |
| Тилак | 6 |
| Меҳр элчиси | 6 |
| Қалбимнинг безаги | 7 |
| Ҳолат | 8 |
| Кўзларимда | 8 |
| Сабо хабари | 9 |
| Жиддийликдан дарс | 9 |
| Сажда | 10 |
| Хоразм лазгиси | 11 |
| Уйғонтил, дилдор | 11 |
| Илтижо | 12 |
| Икки дил сұхбати | 13 |
| Сабот ила | 13 |
| Ўрганиш | 14 |
| Сирли сукунат | 14 |
| Улугликка устун | 15 |
| Меҳр тўла мактуб | 15 |
| Ҳолатлар | 16 |
| Тагин қадаҳ | 16 |
| Рози бўлар | 17 |
| Синглимни сориниб | 17 |
| Ўтли давас | 18 |
| Сизни курсам | 18 |
| Юрагимга ботиб кетгунингча | 19 |
| Мактабим | 20 |
| Рангиз кўз ёшларим | 21 |
| Ҳаётнинг буюк ошиги | 22 |
| Тўртликлар | 23 |
| Юракдаги гаплар (Қатралар) | 25 |
| Сундирилган иклос | 26 |

Адабий-бадиий нашр

**ШАҲЛО ШУКРУЛЛО ҚИЗИ
(РОМАНОВА)**

МЕҲР ЭЛЧИСИ

Шеърлар

Муҳаррир Н. НАРЗИЙ
Мусаввир Б. БОЗОРОВ
Тех. муҳаррир В. ДЕМЧЕНКО
Мусаҳдиқ Г. МИРЗАЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Е. НАЗАРОВА

ИБ № 3995

Босишга 11.02.2005 й. да рухсат этилди. Бичими 70x84 1\32.

Босма тобоги 0,875. Шартли босма тобоги 1,02.

Адади 1000 нуска. Буюртма № 40.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаконасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.